

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Шавкатова Зухра Шавкат қизи**

**Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналарни ривожланиш  
истикболлари**

**(Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари  
мисолида)**

**“Тармоқлар иқтисодиёти” (хизмат сохалари буйича)**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар : профессор

Кудратов .Г.Х

**САМАРҚАНД -2015**

## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	<b>3</b>
<b>I-боб. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асослари</b> .....	<b>8</b>
1.1. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг зарурияти, ва аҳамияти.....	8
1.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.....	25
1.3. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси.....	37
<b>II-боб. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари</b> .....	<b>48</b>
2.1. Самарқанд вилоятининг иқтисодий тавсифи .....	48
2.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси .....	55
2.3. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг сифат ўзгаришига таъсир этувчи омиллар .....	65
<b>III-боб. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари</b> .....	<b>66</b>
3.1. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари .....	66
3.2. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бандлик муаммолари ва янги иш ўринларини очишнинг асосий йўналишлари.....	78
3.3 Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	82
<b>Хулоса</b> .....	<b>83</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Бугунги кунда муайян бир хизмат туридан фойдаланмайдиган ташкилот ёки хонадон йўқ. Чунки хаёт давом этар экан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига доимо эҳтиёж ортаверади. Мазкур тармоқнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кўп миқдорда маблағ ва капитал қўйилмалар сарфламасдан туриб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш, иқтисодиётнинг юксалишига катта ҳисса қўшиш мумкин.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётни тўлдириб турувчи, ёрдамчи соҳадагина эмас, аҳолини иш билан таъинлаш, ЯИМ ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи, уларнинг харажатларини оптималаштирувчи тармоқлар мажмуидир. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “...аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айти пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим рол ўйнайди”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Президент Ислам Каримовнинг 2014 йил асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2015 йил 2 феврал сони.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Бу хизмат хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳадир. Унинг аҳамияти энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакат хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджети даромадини кўпайтиришга олиб келиши билан белгиланади. Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва бу соҳани узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Маиший хизмат дейилганда, инсонларнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган уларнинг индивидуал ривожланиши ва фаол дам олишини таъминлашга, бўш вақтини кўпайтиришга йўналтирилган хизматларни кўрсатишга қаратилган турли фаолият тизими тушунилади.

Шундай экан, бу хизмат хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳадир.

Унинг аҳамияти энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакат

хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджети даромадини кўпайтиришга олиб келиши билан белгиланади.

Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бу соҳани узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўпқиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан кенг фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлайди. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 1957-сонли қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда, айниқса қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига янада улкан имкониятлар очиб беради.

**Тадқиқотнинг мақсади** – иқтисодийни модернизация қилиш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг зарурияти, ва аҳамиятини ёритиш;
- маиший хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари таснифини бериш;
- маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш;
- Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини ёритиш;
- Самарқанд вилоятининг иқтисодий тавсифини ўрганиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари динамикасини амалга ошириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг сифат узгаришига таъсир этувчи омиллар;
- Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари;
- Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш муоммолари ва ечимлар;

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти Самарқанд вилоятининг маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ва унда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодийни эркинлаштириш шароитида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни ташкил қилишни

такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

**Тадқиқот услубияти ва услублари:** диссертация ишининг методологик асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, мамлакатимиз иқтисодчиларининг назариялари, аҳоли бандлигини бошқариш ҳақидаги асарлари хизмат қилди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг ушбу муаммога алоқадор қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ва қарорлари, иқтисодиёт бош бошқармаси ва ва вилоят статистика бошқармаси маълумотлари ва ҳужжатлари асосида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва метадологик асоси.** Мамлакатимизда маиший хизмат соҳаси ва меҳнат муносабатларини тартибга солишга бағиш-ланган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Фармонлари, Қарорлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий ишлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишни ёзишда Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг статистик ҳисоботларидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқот ишининг апробацияси.** Мазкур диссертация иши юзасидан муаллиф томонидан 3 та макола чоп этилди ва илмий – амалий анжуманларда маъруза килинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-боб. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асослари**

### **1.1. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг зарурияти, ва аҳамияти**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятларни вужудга келтирди, яъни иқтисодий ислоҳотлар жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг пайдо бўлишига имконият яратди.

Бугунги кунга келиб, хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағлар айланиши тезроқ кечади ҳамда бунда дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоя талаб этилади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти йилдан-йилга жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Чунки кичик маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бозор конъюктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига саноат корхоналарига қараганда тез мослашиш қобилиятига эгадир. Хизмат кўрсатиш фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, аҳолининг маиший хизматларга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида маиший хизматлар миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозори тузилмасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Шунингдек, аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлиги ошиши натижасида маиший хизматларга талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчилар сафи кенгайди, уларнинг ҳаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги маиший хизматларга талаб ва эҳтиёжлари кўпайди. Шу сабабли айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан ана шу талаблари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Республика ҳудудларини қишлоқ жойларидаги кўрсатилаётган маиший хизматни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жазирама ёз иссиғининг

ва қиш кунларида энг зарур бўлган маиший хизмат ҳаммом ва сартарошлик хизматлари талабга жавоб бермайди. Шунинг учун аҳолининг сиҳат-саломат бўлиши кўпроқ янги шу икки турдаги хизматнинг ҳажмини ва сифатини ошишига боғлиқ ва бу йўналишга маҳаллий бошқарув органларининг мустақиллигини ошириш ва рақобат асосида эришиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолиси кундан-кунга ўсиб, уларнинг халқ истеъмол молларига бўлган талаби ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида талабнинг кескин ўсганлиги намоён бўлмоқда ва талабнинг кўп қисми четдан олиш ҳисобига қондириляпти.

Бунинг асосий сабаби бизда ишлаб чиқаришнинг пастлигидир. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қандай қилиб қондириш мумкин. Албатта ҳозирги шароит, ҳар кимдан тежамкорликни, ишбилармонликни, тадбиркорликни ва ташаббускорликни талаб қиляпти.

Маиший хизмат соҳаларида ҳам бозор иқтисодиётининг таъсири кўринаяпти. Бу соҳаларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир. Бунинг учун шу соҳалар бўйича хизмат жойларини хусусийлаштиришга кенг йўл очиб бериш керак.

Республика қонуни билан мустаҳкамлаб қўйилган ва қўллаб қувватланган хусусийлаштириш тўғрисидаги қонундан ҳар бир тадбиркор фойдаланиши мумкин. Маиший хизмат муассасаларини хусусийлаштириш бирқанча қулайликларни келтириб чиқаради ва рақобатни ривожлантиради.

Айниқса, ижтимоий-ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган кишилар маиший хизмат муассасаларининг хусусийлаштирилиши йўли орқали иш билан ҳам таъминланади, аҳолининг бу хизматларидан мамнунлиги ортади. Нафақахўр ва ногиронлар ҳам шу йўл билан таъминланади.

Шунингдек рақобат вужудга келади ва хизматларнинг сифати ортади ва нархлар аҳоли даромадларига мос келади.

Мулкка эгалик ҳуқуқини ўзгартириш, ягона мақсадгина эмас, давлат ва хусусий, яъни янги давлат тадбиркорлигини шакллантириш воситаси ҳамдир.

Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари (тикувчилик, трикотаж, пойафзал) негизида айрим цехлар, участкалар, устахоналар ва ательеларни мустақил ишлаб чиқаришга айлантирилган ҳолда кичик корхоналар ташкил этилади.

Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларга қаратилади. Биринчи навбатда маиший хизмат кўрсатишнинг паст рентабеллиги ва кичик объектлар айрим Янги аср кооперативларга топширилади. Ўрта катталиқдаги объектлар эса шу муассаса томонидан кейинчалик ҳақ тўлаб, давлатдан сотиб олинади ва ижарага берилади. Хусусийлаштириш жараёнида қайд қилганимиздек, кичик, хусусий ва оилавий ательелар, устахоналар, сартарошхоналар ташкил топади.

Маҳаллий кенгаш томонидан бу тадбиркорлик канчалик қўллаб-қувватланса хусусийлаштирилган маиший хизмат соҳаларининг фаолликлари шунчалик ортиб боради. Бунда солиқни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш, рақобат мақсадида чет эл фирмалари билан қўшма корхоналари ҳудудларида ташкил этилмоқда.

Республикамиз иқтисодий фаровонлигининг ошиши ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар янги турдаги талабларни шакллантиради, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига талабларни оширади.

Кейинги йилларда Республикаимиз Президенти И.А.Каримов томонидан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли қарори, ҳамда 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754 сонли қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимизда, айниқса қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига янада улкан имкониятлар очиб беради.

Ушбу қарорлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг республикаимизда нисбатан қисқа муддат ичида жадал суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди. Фан-техника тараққиётининг ривожланиши эса ахборот узатиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан янги турдаги хизматларни вужудга келтирди.

Ҳозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари истеъмолчиларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ эътибор қарата бошлади. Чунки бундай йўл тутишига уларни соҳада вужудга келаётган рақобат муҳити мажбур қилмоқда. Рақобат ўз навбатида хизматлар сифатига қаттиқ талаблар кўяди. Лекин бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, маиший хизмат корхоналари ўртасидаги рақобат муҳити мамлакатимиз бозор конъюктурасига мувофиқ равишда энди шаклланиб бормоқда.

Рақобат муҳитининг яратилиши Ўзбекистондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини ривожлантириш ва

такомиллаштириш, хизматларга янги харидорларни топиш, аҳолининг таъминланган ва кам таъминланган қатламлари учун маиший хизматлар ассортименти тааллуқли нархларда шакллантириш ва табақалаштириш учун кўшимча дастак бўлиши зарурдир.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қоида тариқасида, функционал аҳамиятга эга бўлган барча кўринишдаги фаолият турлари тушунилади ва ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда реализация қилиш жараёнларини ифодалайди<sup>2</sup>. Уларнинг фаолиятидан боғлиқ равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўринишлари бўйича эҳтиёжларни қондириш хусусиятларига кўра, аҳамиятли равишда бир-биридан фарқланади.

Маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ҳозирги ривожланиш босқичида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланиши тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, аҳолининг кўшимча даромадлари ошиши, иш билан бандлик ва иш ўринлари сонининг юксалишига, шунингдек асосий ишдан ташқари ностандарт иш билан бандликни таъминлашга имконият яратади.

Шахсий эҳтиёжларни қондиришда хизматлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўзига хос истеъмол қийматига эга бўлган турли хил кўринишдаги (жисмоний, интеллектуал, ижтимоий) эҳтиёжларни қондириш бўйича функционал аҳамият касб этади. Маиший хизматлар муҳим ва жуда керакли хаётий восита сифатида аҳоли истеъмол фондининг асосий қисмини ташкил этувчи ва эҳтиёжларни қондирувчи товарлар қаторига

---

<sup>2</sup> Свириденко Ю.П.. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. -М.: Изд “Кандид”, 2001 -5 б.

киради. Иқтисодий адабиётларда маиший хизмат тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида моҳиятини ёритиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу масаланинг кўриб чиқилиши ҳозирги кунда аввало, унинг долзарблигини ифодалаб, у ёки бу кўринишдаги маиший хизматларга тегишли бўлган ёки бўлмаган фаолиятлар турларини аниқлаш имконини беради. Бу эса пировардида аниқ турдаги маиший хизматлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг қарашларида, муайян маиший хизмат соҳасининг функционал шаклланиши ва йўналтирилганлигидан келиб чиқилган ҳолда, бу соҳа алоҳида шахсий эҳтиёжларни қондириш сифатида уй хўжалигини юритишда оилавий-маиший муносабатларни ифодалайди, дейилади<sup>3</sup>. Мазкур йўналиш намояндаларидан бири бўлган В.Н.Кряжевнинг фикрига кўра: “Маиший хизмат – халқ хўжалиги тармоқларига тегишли корхоналар сифатида оилавий-маиший муносабатларда юзага келадиган зарурий хизматларни ифодалайди”. Бу тушунча маълум хизматлар фаолиятлари доираси чегарасини жиддий равишда иқтисодиётнинг бошқа ихтисослашган тармоқларига қадар кенгайтиришни тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизматлар соҳасида замонавий фаолият турлари ва бўғинларининг шаклланиб бориши мазкур соҳанинг турли йўналишларда кенгайиб бориши учун асос яратади.

“Маиший хизмат” категориясининг моҳияти тўғрисидаги В.М.Дмитревнинг фикри шундан иборатки, “Маиший хизмат – бу самарали ҳаракат сифатида кўпгина меҳнат унумдорлигининг натижалари бўлиб, ёки моддий-ашёвий предметларда гавдаланадиган, ёки сезиларли натижаларни ифодалайдиган аниқ кўринишдаги фаолият тури

---

<sup>3</sup> Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. М.: Изд “Кандид”, 2001. - 5 с.

ҳисобланади”<sup>4</sup>. Лекин мазкур таърифда маиший хизмат моддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишли тармоқ сифатида қаралади ва бу соҳада меҳнат унумдорлиги аниқланади, деб ифодаланади. Шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчи олимлардан Я.С.Ядгаровнинг фикрича: “Маиший хизмат аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос моддий ишлаб чиқариш сифатида аниқланади”<sup>5</sup> ҳамда мамлакат миллий даромади ва жами ижтимоий маҳсулотда тармоқнинг реал улушини ифодалайди. Ушбу таърифда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хос функционал кўринишлари ва хусусиятлари бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

“Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ ҳисобланади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли асосий массасининг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашда унинг ижтимоий аҳамияти юксалиши билан шартланади”<sup>6</sup>.

Бизнинг фикримизча, “Маиший хизмат” категориясинн ёритиб беришда маиший хизмат соҳаси шаклланиши ва ривожланишининг куйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш зарур:

- маиший хизмат соҳаси аҳолининг маиший хизматларга эҳтиёжларини қондиришда турли йўналишлардаги функционал тизим бўлиб, хизмат кўрсатишда ўзига хос шакл ва усуллардан фойдаланишни ифодалайди;

- маиший хизмат соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан фарқи, хизмат кўрсатиш бўйича пировард натижаларга эришиш бевосита истеъмолчининг иштирокида юзага келади;

---

<sup>4</sup>Дмитрев В.М. Основы изучения и прогнозирования спроса на бытовые услуги. М.: “Экономика”, - 32 с.

<sup>5</sup>Ядгаров Я.С. Бытовая обслуживания. Экономика и культура сервиса. М.: “Экономика”, 1990. -19 с.

<sup>6</sup>Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. М.; Изд “Кандид”, 2001. – 10 с.

- маиший хизмат соҳасида кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлиги ўзига хос ва алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

- маиший хизмат кўрсатиш натижасида аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг истеъмол қийматига эга эканлиги.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ бўлиб, аҳолининг асосий қисмига хизмат кўрсатади ва яшаш даражасини ошириб, унинг ижтимоий аҳволини юксалтириш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида маиший хизмат кўрсатишнинг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. “Маиший хизмат кўрсатиш дейилганда, аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, пировард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқадиган, бозор конъюктураси ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига тез мослашадиган ҳамда ривожланиш даражаси аҳоли турмуш шароити ва моддий фаровонлиги билан боғлиқ бўлган кўп қиррали функционал фаолият тушунилади”.

Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги шароитда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига қараб ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларни қондиришга қулай шарт-шароитларни таъминлайди.

Мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш пуллик хизматлар тизимида кенг ривожланиб бормоқда. Бу соҳа аҳолининг турли хил маиший эҳтиёжларини қондиришда, уй хўжалигида меҳнат сарфини қисқартириш ва уни юритишни енгиллаштириш асосида фуқароларнинг бўш вақтларини яратиш, имконини беради. Пировардида эса ишчи кучи тўлиқ такрор ишлаб чиқариш, ҳудудда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишга кўмаклашади.

Бугунги кунга келиб, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан моддий ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормоқда, чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши тезроқ ва энг асосийси, дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоя талаб этилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг асосий вазифаси бўлиб Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва Жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида “2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва хаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада ривожлантириш”<sup>7</sup> ҳисобланади.

“Бизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қандай катта аҳамият берилаётганини яна бир бор такрорлашнинг ҳожати йўқ”<sup>8</sup> дейилади мазкур асарда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмининг ўсиши 2014 йилда олдинги йилга нисбатан 15,7 %ни ташкил этди. Жами бозор хизматлари таркибида маиший хизматлар ҳажми 2013 йилда олдинги йилга нисбатан 9,4%га ўсган бўлса, 2014 йилда эса 9,5%га ошган (1.1-жадвал).

---

<sup>7</sup> Каримов И.А Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009 й., - 46 б.

<sup>8</sup> Ўша жойда. - 46 б.

1.1.1-жадвал

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг хиссасини  
ўзгариш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоизда**

*(фоиз ҳисобида)*

<b>Хизмат турлари</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2012 й.</b>	<b>2013 й.</b>	<b>2014 й.</b>
Жами хизматлар	100	100	100	100
шундан:				
маиший хизмат	8,6	8,1	9,4	9,5
транспорт	25,5	25,5	26,1	26,2
алоқа	17,3	16,5	15,7	16,3
уй-жой коммунал	16,7	17,8	15,8	16,0
халқ таълими соҳаси	7,6	8,4	8,7	8,8

Маданият	0,6	0,7	0,6	0,6
туристик экскурсия ва саёхатлар	0,5	0,5	0,5	0,5
жисмоний тарбия ва спорт	0,4	0,4	0,5	0,5
соғлиқни сақлаш	2,5	2,9	2,9	2,8
санатория - курорт ва соғломлаштириш	0,5	0,6	0,5	0,5
хуқуқий характердаги ва банк хизматлари	6,1	4,8	5,0	4,9
бошқа хизматлар	13,7	13,8	14,3	13,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий бошқарув ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш, бозорни ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;

- хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатларни баҳолаш;

- хизматлар ассортиментини ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда, технологик асбоб-ускуналар таркибини оптималлаштириш;

- истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш меҳнаткашлар ва ишчи-хизматчилар фойдаланадиган бўш вақт структурасини

такомиллаштиришга, жисмоний қувватни тежашга кўмаклашади. Республикамиз аҳолиси маиший турмуш шароитларида юз берган туб сифат ўзгаришлари, жумладан уй-рўзгор ишларида электр ва механизациялардан тобора кенг фойдаланиш, шахсий хизматга талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши, маиший хизматнинг ривожланишига замин бўлади. Ўзбекистонда ҳозирги бозор муносабати даврида бу хизмат турларини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантириш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш даврини кечиктириб бўлмас талабга айланади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Мазкур жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган маиший хизматларни истеъмолчилар талабларига мос қилиши орқали таъминланади (1.2-жадвал).

1.1.2-жадвал

**Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари**

(млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2010-2014 йилларда ўсиш
1.	Жами хизматлар Шу жумладан:	1694,1	1926,5	2182,2	2475,3	2810,6	1,66 марта
2.	Савдо ва умумий овқатланиш	402,0	462,3	530,7	609,3	699,4	1,74
3.	Транспорт	355,2	401,4	454,0	513,4	580,7	1,63
4.	Алоқа ва ахборотлаштириш	70,4	84,5	99,7	122,6	152,0	2,16

5.	Молия	96,2	107,8	119,3	132,1	146,2	1,52
6.	Сайёхлик	8,2	8,9	9,7	10,6	11,5	1,40
7.	Меҳмонхона хўжалиги	8,9	10,1	11,3	12,7	14,2	1,61
8.	Коммунал хўжалик	270,0	308,3	353,3	404,9	464,0	1,72
9.	Маиший хизмат	47,6	52,1	56,9	62,2	68,1	1,43
10.	Автомобил ва техникаларнинг таъмири	48,5	53,6	59,5	66,0	73,3	1,51
11.	Бошқа хизматлар	387,2	437,5	487,9	541,5	601,1	1,55

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Самарқанд вилоятида 2010-2014 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши бўйича таҳлилий маълумотларга кўра, вилоятда 2010 йилда жами хизматлар ҳажми 1694,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 2810,6 млрд. сўмни ташкил қилган, яъни 2010-2014 йилларда 1,66 марта ўсишга эришилган. Шунингдек, вилоятда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида таҳлил этилаётган даврлар ичида хизматлар ҳажмининг ўсиши 1,43 мартага ошган.

Вилоятда 2010 йилда жами хизматлар ҳажмида маиший хизматларнинг улуши 2,8%дан зиёдрокни ташкил этган бўлса, 2014 йилда эса 3,1%ни ташкил этган. Бундан кўринадики, аҳолининг маиший хизматларга талаби ошиши натижасида соҳада яратилган ялпи маҳсулот ҳажми жами кўрсатилган хизматлар улушида мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётини тўлдириб турувчи, ёрдамчи соҳадагина эмас, аҳолини иш билан таъминлаш, ЯИМ ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи, аҳолини турмуш

даражасини оширишни, уларни харажатларини оптималаштирувчи тармоқлар мажмуидир. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу соҳаларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ижтимоий хизмат соҳаларидан бири.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг характерли хусусияти уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни воситачиларсиз ўзларининг мижозлари ва буюртмачилари билан бевосита муносабатга киришишлари ҳисобланади.

1.1.3-жадвал

**Самарқанд вилоятида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ва унинг ўсиш суръати (млн. сўм)**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2010 й.</b>	<b>2011 й.</b>	<b>2012 й.</b>	<b>2013 й.</b>	<b>2014 й.</b>	<b>2010-2014й. й.да ўсиш, марга</b>
Жами хизматлар	570305,9	750155,2	1181974,8	1428309,9	1574711,7	2,76
Шундан: умумий пуллик маиший хизматлар	10574,1	14326,8	25536,8	35129,8	38730,6	3,66
Шундан: қишлоқ жойларда	6555,9	9369,72	18433,7	14318,8	16186,5	2,47
Жами маиший хизматлар ҳажмида қишлоқ жойларидаги маиший хизматларнинг улуши, %	62,0	65,4	72,2	40,8	41,8	

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

1.1.3-жадвалнинг таҳлилий маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятида қишлоқ жойларида маиший хизматлар 2010-2014 йиллар мобайнида 2,5 баробарга ўсган ҳолда, мазкур кўрсаткичнинг жами маиший хизматлар ҳажмидаги улуши таҳлил этилаётган даврлар оралиғида номуносиб ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, бу кўрсаткич 2010 йилда 62,0 %ни, 2012 йилда 72,2 %ни, 2013 йилда 40,8 %ни ва 2014 йилда эса 41,8 %ни ташкил этган (1.1.3-жадвал).

2013- ва 2014 – йилларда қишлоқ жойларни жами маиший хизматлар ҳиссаси камайиб боришини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ўзбекистонда аҳолига тақдим этилаётган маиший хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- тикув, мўйна ва чарм маҳсулотлар, бош кийим ва тўқимачилик – атторлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, трикотаж маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- турар жойларни (хонадонларни) аҳоли буюртмаси бўйича таъмирлаш ва қуриш;
- маиший техника ва ускуналарни, соатларни таъмирлаш, заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, радиоэлектрон аппаратура, компьютерлар, телевизорлар, магнитофонлар, мусиқа товарларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- фуқароларга тегишли бўлган транспорт воситаларини (енгил машиналар, мотоцикллар ва х.к.) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- мебель тайёрлаш ва таъмирлаш;
- кимёвий тозалаш ва бўйяш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашёни қайта ишлаш хизматлари, қолган қишлоқ хўжалик хизматлари;

- фотоателье ва фотолаборатория хизматлари, шунингдек, овоз ёзиш хизматлари;

- сартарошхоналар хизматлари.

Ҳозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари билан тартибга солинади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий усуллари вазифаларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киради. Кўпгина илмий ишларда уларни ҳудудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати асослаб берилади. Лекин бу ҳолатда ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Бундай ижтимоий меъёрларнинг кенг микёсида жорий қилиниши аҳолига маиший хизмат кўрсатиш таъминотининг меъёрлари сифатида мазкур соҳанинг белгиланган даражада ривожланишига ёки мақбул чегарада эҳтиёжларни тўлиқ қондиришни ҳисобга олишга мувофиқ келишини таъминлайди.

## **1.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари**

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида маиший хизматлар миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида истеъмол бозори тузилмасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Шунингдек, аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлиги ошиши натижасида маиший хизматларга талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчилар сафи кенгайди, уларнинг ҳаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассорти-ментдаги маиший хизматларга талаб ва эҳтиёжлари кўпайди. Шу сабабли айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан ана шу талаблари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Республикамиз иқтисодий фаровонлигининг ошиши ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар янги турдаги талабларни шакллантиради, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига талабларни оширади.

Ҳозирги шароитда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига қараб ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларни қондиришга қулай шарт-шароитларни таъминлайди.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий усуллари вазифаларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киради. Кўпгина илмий ишларда уларни ҳудудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати асослаб берилади. Лекин бу ҳолатда ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Бундай ижтимоий меъёрларнинг кенг миқёсида жорий қилиниши аҳолига маиший хизмат кўрсатиш таъминотининг меъёрлари сифатида мазкур соҳанинг белгиланган даражада ривожланишига ёки мақбул чегарада эҳтиёжларни тўлиқ қондиришни ҳисобга олишга мувофиқ келишини таъминлайди.

Жаҳон тажрибасида хизмат соҳаси тармоқларини таснифлаштиришни ишлаб чиқариш техник ва функционал ёндашишларни бир-бирига қўшиш асосида ўтказиш қабул қилинган.

Истеъмолчиларнинг яқка тартибдаги буюртмаларини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, тайёрлаш бўйича маиший хизматлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кийим-кечак ва оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- металл ва заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- мебелни таъмирлаш ва реставрация қилиш;

– техника, бино ва қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш.

Таъмирлаш бўйича хизматлар замонавий техник воситалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Улар жумласига:

- ихтисослашган ишлаб чиқариш асбоб ускуна ва инструментлар;
- маҳсулот носозликлари ва камчиликларини аниқловчи диагностика воситалари;
- сифат назоратининг техник воситалари кабилар киради.

Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий бошқарув ўз ичига қуйидагиларни олади:

– корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш, бозорни ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истиқболини белгилаш;

– хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатларни баҳолаш;

– хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда, технологик асбоб-ускуналар таркибини оптималлаштириш;

– истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Маиший хизмат объектлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳудудда қуйидаги иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини таъминлаши мумкин:

– иш билан бандлик ва турли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш ҳақи;

– маҳаллий бюджетга солиқлар тушуми;

– аҳолига маиший хизмат ва бошқа кўринишдаги қийматликларни ўз ичига олувчи ҳудудий ЯИМ.

Фикримизча, ҳудудий маиший хизмат кўрсатиш соҳасида концептуал жиҳатдан долзарб бўлган назарий ва амалий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш;
- республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда маиший хизматлар классификаторини ишлаб чиқиш;
- “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида” (ҳудудий даражада) Низом ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятларини суғурталаш концепсиясини ишлаб чиқиш;
- маиший хизмат кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш концепсиясини ишлаб чиқиш;
- аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш объектларини жойлаштиришнинг янги чизмасини ишлаб чиқиш;
- маиший хизмат кўрсатишни лицензиялаш, сертификатлаш ва стандартлаштиришни ўтказиш;
- маиший хизмат соҳасида маҳаллий концепсияни ишлаб чиқиш;
- маиший хизматлар объектларининг инвестицион лойиҳалари паспортини ишлаб чиқиш;
- соҳада ахборот-таъминоти хизмати тизимини такомиллаштириш;
- ижтимоий ҳимоя қилинган аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш учун алоҳида маиший хизматлар турлари бўйича маҳаллий маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ихтисослашган тармоғини яратиш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш тузилмасида ассоциациялашган ташкилотлар тузиш.

Юқорида келтирилган назарий ва амалий вазифаларни ҳал этиш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маиший хизмат корхоналари

фаолиятларининг самарадорлигини оширишда муҳим восита ва шарт-шароитлар ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий нисбатлар ҳолати бозор конюктурасини ифодалайди. Кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиб бориши эркин тадбиркорликнинг ривожланиши учун замин яратади. Рақобатчилик эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти самарадорлиги ошишини талаб этади.

Мулкдор ўзининг иқтисодий фаолиятидан, энг аввало мулкни кўпайтиришдан манфаатдордир. Мулкни кўпайтириш учун бирон бир қонуний фаолият амалга оширилади. Бу фаолият жамият эҳтиёжидан келиб чиқмоғи лозим, чунки ҳар қандай фаолият шунчаки содир бўлмайди. Ундан кимдир манфаатдор бўлиши лозим. Шу жиҳатдан мулкдорнинг манфаати жамият манфаатига мос келиши зарур. Бу масаланинг биринчи жиҳати ҳисобланади.

Иккинчидан, мулкдор ўз фаолияти натижасида олган даромади (фойдаси) ва мулкидан солиқ тўлаш йўли билан давлат орқали жамиятнинг манфаатига мос келадиган фаолият юритади. Бундан кўриниб турибдики, мулкдор мулкининг кўпайиши давлат ва жамият учун ҳам манфаатлидир.

Ана шу ҳолда, меҳнат бевосита мулкдор ва жамият манфаатларини ифода этадиган, уларнинг муштараклигини таъминлайдиган характерга эга бўлади.

Меҳнат жараёнида ёлланма ишчининг манфаати ҳам уч томонлама манфаатлар тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Ёлланма ишчи меҳнат фаолиятида энг аввало, ўз ишига манфаат нуқтаи назаридан қарайди. Ёлланма ишчи меҳнати ўзидан бегоналаштирилган меҳнатдир, чунки у яратган бойлик бегона бойлик сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ёлланма ишчи ўз меҳнатининг сифати ва натижаларига қараб, мулкдордан

меҳнат ҳақи олиши зарур. Ёлланма ишчининг меҳнат натижаларига қизиқиши ва манфаатдорлигининг ортиши меҳнат унумдорлигини ошириш учун муҳим омил ва шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Шунинг асосида барча манфаатларнинг мувофиқлиги таъминланади.

Биринчидан, бунда мулкдорнинг мулки, унинг даромади кўпаяди. Иккинчидан, давлатнинг ушбу субъектлардан олинадиган солиқлари ошади. Учинчидан, ёлланма ишчининг меҳнат ҳақи кўпаяди ва шунга мос равишда давлатга тўлайдиган солиғи ҳам ошади. Демак, жамиятда уч томонлама манфаатларнинг мувофиқлиги таъминланади.

Жамиятдаги барча моддий ва маънавий неъматлар шу жамиятда мавжуд бўлган меҳнат билан яратилган. Меҳнат жамият, табиат ва инсон тафаккурида содир бўладиган жараёнларни такомиллаштириб боради. Демак, ҳар қандай тараққиёт замирида меҳнатнинг такомиллашуви ётади. Бироқ, меҳнатнинг характери, унинг инсон ижтимоий тараққиётига таъсири ҳар хил тарихий даврда бир хил бўла олмайди, чунки инсон меҳнати унинг ақл заковати билан бошқарилади, меҳнат қилиш жараёни эса бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Кўриниб турибдики, меҳнат муаммоси жуда кенг қамровли, жуда катта тадқиқот кўламини талаб қиладиган муаммодир<sup>9</sup>.

Ижтимоий мулкка асосланган социалистик ишлаб чиқариш шароитида меҳнатнинг характери дейилганда, унинг миллий даромадни яратишга қўшган ҳиссаси тушунилар эди. Бунинг учун назарий жиҳатдан маиший хизматдаги меҳнатнинг унумли ёки унумсиз меҳнат эканлигини асослаш талаб қилинар эди. Ҳозирги кунда, мулкчилик муносабатларига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизмат соҳасидаги меҳнат характери жамиятнинг ялпи миллий маҳсулотини яратишга қўшган

---

<sup>9</sup> Пардаев М., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси (маърузалар матни). Самарқанд, 2002. – 28 б.

ҳиссаси билан белгиланади. Назарий жиҳатдан тадқиқ қилишда ушбу меҳнатнинг характерига унумли ёки унумсиз меҳнат нуқтаи назаридан эмас, балки меҳнатнинг манфаатга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Биз унумли ва унумсиз меҳнат тўғрисидаги тушунчаларга муносабат билдириб ва назарий таҳлилларга таянган ҳолда, меҳнат унумсиз бўла олмайди деган хулосага келдик. Ҳар қандай меҳнат одамларнинг эҳтиёжини қондириш, одамларнинг эҳтиёжларини қондирадиган неъматларни, фойдали нарсаларни ишлаб чиқаришдир. У унумли, моддий ва номоддий бўлиши мумкин, лекин бунда улар неъмат бўлмасдан қолмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий даромад кўрсаткичи ўрнига ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи киритилди ва унинг таркибига моддий неъматлар ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга даромад келтирувчи барча хизматлар, хусусан, маиший хизматлар ҳам киради. Ушбу муаммога шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида унумли ва унумсиз меҳнатни аниқлашга янгича методологик усул билан ёндашиш талаб этилади.

Унумли меҳнатга меҳнаткаш нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш лозим. Агар меҳнаткаш сарф қилган меҳнати эвазига оладиган меҳнат ҳақи билан ўзи ва оиласининг яшашини таъмин қилса, иш кучини такрор ишлаб чиқара олса, бу унинг учун унумлидир. Бунда у моддий неъмат ишлаб чиқараяптими, ё чиқармаяптими ёки хизмат соҳаси билан бандми, бу меҳнаткашни қизиқтирмайди. Уни қизиқтирадиган нарса ўз меҳнати учун (унумли ёки унумсизлигидан қатъий назар) оладиган меҳнат ҳақидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, умуман меҳнатнинг характерини тадқиқ қилишда бозор иқтисодиёти шароитида, унга асосан мулк эгаси, соҳибкор нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Аммо ҳар қандай соҳибкор ўзи яшаб турган давлатнинг ичида, шу жамиятнинг аъзоси

ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда, у мазкур меҳнатга фақат ўзининг иқтисодий манфаатидан келиб чиқмасдан, балки жамият манфаатини ҳам ҳисобга олган ҳолда ёндашиши лозим.

Жамиятнинг аъзоси сифатида ҳар бир меҳнаткашнинг ҳам ўз манфаати бор. Шу туфайли меҳнатнинг характери тадқиқ қилинганида, меҳнаткаш манфаати ҳам четда қолиб кетмаслиги лозим. Демак бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг натижасини баҳолашда социализмдагидек фақат жамият нуқтаи назаридан қаралмасдан, балки мулк эгаси, соҳибкор, жамият ва меҳнаткаш манфаатларининг муштараклигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараш лозим.

Меҳнатнинг характери меҳнат қандай намоён бўлишини, унинг жиҳатлари, белгилари, алоҳида хоссалари ва хусусиятлари қандайлигини кўрсатади. У ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бирлашишига боғлиқ бўлиб, меҳнатнинг ижтимоий табиатини белгилайди. Бозор иқтисодиёти амал қилаётган бугунги кунда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллашаётгани, бошқарув иқтисодий усуллариининг амал қилиш соҳаси кенгайиб бораётгани, самарадорлик ва сифатга, ходимларнинг ҳақиқий моддий ва маънавий манфаатдорлигига, уларнинг чинакам хўжайинларга айланишига йўналтирувчи хўжалик юритишнинг янги шакллари яратилаётгани туфайли меҳнат табиатида ўзгаришлар рўй бермокда. Айни пайтнинг ўзида мазкур меҳнат мазмуни ва функцияларидаги чуқур ижтимоий-иқтисодий тафовутлар, бир қолипдаги, зерикарли, малакасиз, оғир қўл меҳнати мавжудлиги, унинг зарарли шароитлари ҳали узоқ вақт давомида меҳнаткашлар анча қисмининг ижодий қобилиятлари намоён бўлишига тўсқинлик қилади, шахснинг уйғун ривожланишига, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатни тарбиялашга ҳалақит беради.

Маиший меҳнат соҳасида хизматларни яратадиган меҳнат жараёни ва уларни истеъмол қилиш жараёни бир бутун бўлиб қўшилган бўлади. Хизматлар фаолият шаклида мавжуд бўлади, уларни йиғиб бўлмайди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш техник тараққиёт, яъни технологик жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга таянади. Бу соҳада технологик операцияларни машина ва аппаратлар ёрдамида механизациялаш ва автоматлаштириш хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади ҳамда одамлар меҳнатини енгиллаштиради.

Объектив иқтисодий қонун ҳисобланган меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши маиший хизмат соҳасида хизмат кўрсатиш натижаларининг сон ва сифат жиҳатдан самарадорлиги ошиб боришини таъминлайди. Шундай экан, маиший хизмат соҳасида меҳнатнинг характери ўрганилганида, албатта унинг натижасини баҳолаш самарадорлигини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Маиший хизмат соҳасида меҳнат натижасини баҳолашда якуний натижаларга боғлиқ равишда унинг самарадорлиги билан фойдалилик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мазкур соҳада меҳнат натижалари меҳнат фаолиятининг самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уни ошириш ҳозирги вақтда энг муҳим иқтисодий вазифа бўлиб қолмоқда. Меҳнат самарадорлиги тушунчасини аниқлашда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар муваффақиятли фаолиятини ва меҳнат натижаларини баҳолаш самарадорлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш – бу борада стратегия ва тактикани ишлаб чиқишда катта амалий аҳамиятга эга.

“Самарадорлик” кенг тушунчадир, у олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради. Меҳнат самарадорлигини аниқлашда унинг натижаларини моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги сарфлар билангина эмас, балки барча меҳнат сарфлари (барча меҳнат ресурслари сарфлари) билан таққослаш, яъни моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан банд бўлган ходимларни эътиборга олиш керак бўлади.

Меҳнат самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида кўп жиҳатлилиги уни баҳолаш учун кўрсаткичлар муайян тизимини талаб қилади. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш миқёсларига қараб, меҳнат самарадорлигини аниқлашнинг турли даражаларини эътиборга олиш керак бўлади. Турли хил маиший хизмат кўрсатиш корхоналари даражасида ҳам кўрсаткичлар тизимлари фарқланиши мумкин, чунки хизмат кўрсатиш натижалари турлича ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек, ходимлар таркиби тафовутли бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат самарадорлигининг мутлоқ кўрсаткичларига ялпи миллий маҳсулот ҳажмида маиший хизматлар ҳиссаси, хизмат кўрсатиш даражасида фойда меъёри ва ҳажми, меҳнат сиғими, меҳнатнинг фонд билан қуролланганлиги, сарфларнинг тежалиши, бир ишчига тўғри келадиган маиший хизматлар ҳажми, меҳнатнинг барқарорлиги кабилар киради. Маиший хизмат соҳасида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлар эса фоизларда ифодаланади. Фойдалилик даражаси ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси билан ифодаланади.

Маиший хизмат соҳасида меҳнат сиғимини камайтириш ва фойдаланиш даражасини ошириш юзасидан доимий равишда олиб бориладиган ишлар жараёни меҳнатни самаралаштириш жараёни дейилади. Самарадорлаштириш меҳнат фаолиятининг у ёки бу соҳасида

юқорироқ натижаларга эришиш ва ушбу натижаларнинг бирлигини аниқлашда сарфларни қисқартириш мақсадларида энг яхши ечимларни излашдир.

Ҳозирги шароитда меҳнат самарадорлиги стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда меҳнат фаолияти жараёнлари мазмунини таҳлил ва синтез қилишга асосланиш керакки, бу амалда меҳнат муносабатларини ифодаловчи кўрсаткичлардан самарали фойдаланишни назарда тутади.

Маиший хизмат корхоналарида меҳнат натижаларини баҳолаш билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичлари тизимига қуйидаги умумий ва хусусий кўрсаткичларни киритишимиз мумкин. Буларга:

– маиший хизматдан барҳаманд бўладиган аҳоли ҳарид фондларининг хизматларни сотиб олишга йуналтириш даражаси. Бу кўрсаткич хизматлар ҳажмининг аҳоли ҳарид фондларига нисбати билан аниқланади;

– хизматлар тарқатилишининг илгарилаб бориши коэффиценти. Бу кўрсаткич хизматлар ҳажми ўсиш суръатининг хизмат кўрсатувчи аҳоли ўсиш суръатига нисбати билан аниқланади. Агар бу кўрсаткич бирдан кичик бўлса, маиший хизматнинг ижтимоий самараси пасайганлигидан, бирдан катта бўлса, ортганидан далолат беради;

– нормадаги истеъмолни таъминлаш коэффиценти. Бу кўрсаткични аниқлаш учун ҳақиқий реализация қилинган хизматлар ҳажмини нормативдаги истеъмолга бўлиш орқали ҳисобланади;

– аҳолининг маиший хизмат шахобчалари билан таъминланиши кўрсаткичлари;

– 10000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва шахобчалари сони;

– 10000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат соҳасидаги иш ўринлари сони киради.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чикиб, самарадорлик кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди. Буларга:

- меҳнат унумдорлигини;
- иш ҳақининг соф тушумга нисбатан даражасини;
- ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммасини киритиш

мумкин. Ишда уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди.

Иш вақти кўрсаткичи билан бир қаторда меҳнат сарфини сифат таркиби жиҳатидан тасвирлайдиган кўрсаткичга бўлган зарурият ҳам юзага келади. Бунинг учун “меҳнат сиғими” тушунчасидан фойдаланилади. Меҳнат сиғими деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга жонли меҳнат сарфлари тушунилади.

Маиший хизмат соҳасида ходимга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишни таъминлаш учун уни ташкил этишга қўйиладиган айрим талабларга риоя қилиш зарур. Энг аввало, мукофотлаш кўрсаткичлари муайян бўлимдаги, корхонадаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш вазифаларига мос бўлиши ҳамда ушбу жамоа ёки ходимнинг меҳнат соҳасидаги куч-ғайратига реал боғлиқ бўлиши керак. Масалан, маиший хизмат кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларига риоя қилиш кўрсаткичини мукофотлаш тизимига киритган вақтда унинг бажарилиши учун энг аввало, корхона раҳбари, шунингдек мазкур хизматлар бўйича маъсул шахс жавоб беришини ҳисобга олиш керак. Бинобарин, ушбу кўрсаткични айнан мана шу ходимларни мукофотлаш пайтида назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда сифат жиҳатидан янги жамият шаклланмоқда. Бу эса меҳнат характерининг ҳам шунга мос равишда ўзгаришини тақозо этади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маиший хизмат соҳасида меҳнатни ташкил қилиш, уни тўғри рағбатлантириш, унинг

ижодий моҳиятга айланишини таъминлаш омиллари ва йўналишларини тадқиқ этиш мазкур соҳани ривожлантириш учун муҳим восита ҳисобланади.

Мазкур соҳада меҳнат натижалари меҳнат фаолиятининг самарадорлиги билан чамбар час боғлиқ бўлиб, уни ошириш ҳозирги вақтда энг муҳим иқтисодий вазифа бўлиб қолмоқда. Меҳнат самарадорлиги тушунчасини аниқлашда бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар муваффақиятли фаолиятини ва меҳнат натижаларини баҳолаш самарадорлигини таъминлаш масалаларини ҳал этиш – бу борада стратегия ва тактикани ишлаб чиқишда катта амалий аҳамиятга эга.

### **1.3. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси**

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг кўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг қоидасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси қанчалик юқори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юқори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юқори бўлса, улар оилавий бюджетининг кам қисмини озик-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса

сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда оилавий бюджетнинг 18-20%и озик-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.

Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги татқиқотлар.

Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди<sup>10</sup>. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимоти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан чамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топмоқда.

У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан ифодаланади.<sup>11</sup> Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради.

Осиё унумдорлик ташкилоти ҳисобларига кўра, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу корреляция коэффиценти қўйидагича:

1.2.1- жадвал

### **Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва саноатда унумдорликнинг ўсиши уртасида корреляциянинг боғликлиги<sup>12</sup>**

<sup>10</sup> FUCHSV.R The service Economic “National Bureau of Economic Research, New York, 1968

<sup>11</sup> Маркова М.Д. Маркетинг услуг. М.Финансы и статистика. 1996 С-8

Мамлакат	Коррелация коэффиценти
Жанубий Корея	0,82
Таиланд	0,62
Малайзия	0,59
Япония	0,95

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарқ XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Ўша даврдаёқ капитал сифимининг юқорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қурилиш хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юқорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтишган. 1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси»<sup>12</sup>га кўра комьютар технологиялари учун қилинган инвестиция ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.


Унинг таъкидлашича, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда комьютар технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат унумдорлигини йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда)

<sup>12</sup>

Solow R We'd Better Out // New York Revier of Books. 1987. July 12-p36

унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштира, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унумдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли- туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган.

(1.2.2-расм)



**1.2.2-расм. Дж.Зингельманнинг хизматларни таснифлаш таркиби.** Дж.Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бир тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун,

банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол учун, жаррохлик аралашуви, ташхис кўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига қамраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни хаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолиятини самарадорлик кўрсаткичини пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юқори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва хоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимларининг иш ҳақининг 67%ини ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда – 15%га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5%ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4%ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унумдорлиги 0,35% га камайиб борган <sup>13</sup>. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг умумий таркибида хизмат

---

<sup>13</sup> Statistical Abstract of the united states. 1980, p 441; 1983, p 394; 1986, p 410, 433; 1987. p 4224 1992 p403; 1994 p 447; 1995 p 424, 452. Цитируется по: Иноземсов В.Пародексы постщиду с триальной эканомики // МЭ и МО. 2005 №3 С. 3-4

кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб боришига қарамай, бу соҳа узоқ вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унумли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатдан ҳам унумдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унумдорлиги барқарор ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Триплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унумдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткичнинг йиллик ўсиши 2,2 - 2,9 % ни ташкил этди<sup>14</sup>.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушунтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда. Биринчидан энг кўп тарқалган вариант сифатида унумдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сурган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кўра 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6%ни ташкил этган. Жумладан ахборот – таълим хизматлари 11,6%ни, бошқарув хизматлари 6,11%ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ўхшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал

---

<sup>14</sup> Wall street Journal (November 7.2005)

қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида унумдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унумдорлигини (самарадорлигини) барқарор ўсаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Норвегиада) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигининг ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт ўтиши билан меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати статистикаси маълум бир қизиқиш уйғотади. XX асрнинг 80 йиллариданок хориж тадқиқотчилари ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳиссасининг ўсишини ва постиндустриал жамиятда юқори технологияли тармоқлар керакли даражада айрим хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат унумдорлигини юқори бўлмаслигини талқин этишга ҳаракат қилишган. 1985 йилда Л.Саммерс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасини турли-туманлиги ушбу соҳага илмий техника тараққиёти ютуқларини бир хилда жорий этилмаслигини ва шунга мос ҳолда унумдорликни (самарадорликни) ўсиш суръати турличалигини кўрсатган.

Баъзи ривожланган мамлакатларда улгуржи ва чакана савдо, транспорт, алоқа, молиявий хизматларда унумдорлик даражасини сезиларли ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунда маълум бир қонуниятни, яъни Дж.Зингельманнинг ишлаб чиқариш ва тақсимот хизматларида унумдорликнинг юқори бўлиши қонуниятини амал қилаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек кейинги вақтларда унумдорликнинг ўсиш суръатини юқорилигини телекоммуникация ва

алоқа тармоқларида кўришимиз мумкин. Хусусан, кейинги беш йил ичида бу тармоқларда унумдорлик Германияда 18%, Норвегияда 17%ни ташкил этган. Дж.Зингельманнинг таснифи бўйича истеъмол ва ижтимоий хизмат турларида унумдорликни бир мунча паст даражада бўлганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, ресторан ва меҳмонхона хизматлари бу давр мобайнида Германияда 4,8%, Францияда 3%, Норвегияда 6% бўлган. Мавжуд бундай қонуниятни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Истеъмол ва ижтимоий хизмат соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан унумдорликни паст даражасини ушбу хизматдаги хусусиятлар ва уларга ИТТ ни таъсир кўрсатиш имкониятларини чегараланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Д.Треплет ва Б.Босвортларнинг таъкидлашича ИТТнинг таъсири асосан хизмат соҳасининг беш тармоғига, яъни молия хизмати, улгуржи ва чакана савдо хизмати, ишблармонлик хизматлари, суғурта ва коммуникация тармоқларида интенсив таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бу соҳаларни ривожлантириш мақсадида йирик ҳажмдаги инвестициялар йуналтирилмоқда. Масалан, АҚШда жами инвестицияларнинг 50%и хизмат соҳасига йуналтирилади ёки ҳар йили ўртача 220 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хизмат соҳасига йуналтирилади.

Шундай қилиб, барча хизматлар меҳнатини капиталга (унумли) алмаштириш лаёқатига эга бўлган ФТТи ютуқларини бир хилда қабул қилиш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида самарадорликка ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан биргаликда истеъмол ва ижтимоий хизматлар самарадорлигининг пастлигининг бир қанча сабаблари мавжуд. Бир қатор анъанавий хизматлар (меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ва бошқалар субъектив хусусиятга эга) стандартлаштириш ва техникалашга мос келмайди. Баъзи (хизматлар, масалан, соғлиқни сақлаш ИТТи ютуқларини тез қабул қилса ҳам, улар кўпроқ истеъмолчининг ҳоҳиш-истағига, хизмат даражасига боғлиқдир.

Агар улар паст даражада бўлса, бу ҳол ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, хизматнинг бу турларида унумдорлик даражасини оширишга ахборот-технологиялари унчалик катта ижобий таъсир кўрсатмайди.

Истеъмол ва ижтимоий хизматларда унумдорлик даражаси паст бўлиши муайян қийинчиликларни, хусусан, хизмат соҳасида банд бўлганлар меҳнат ҳақи ва унумдорлиги нисбатида муаммоларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш қийинчилигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иқтисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларнинг турли-туманлиги уни умумлаштиришни қийинлигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар – ўзига шундай

хизматларни бирлаштирадики, унда унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал характердаги шахсий хизматлар).

Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш – ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради: масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин, яъни, шартнома тузишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда мижоз хизмат жараёнида иштирок этмайди. Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар кирадики, уларни кўрсатишда машиналар ва асбоб ускуналар салмоқли рол ўйнайди. Бундай хизматлар мижознинг иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайтириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик)ни ўсиш характерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати – ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи категория хизматларини характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ишлаш бўйича хизматлар киради. Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётни прогрессив сектори маҳсулоти (иқтисодиётда техника қиймати технологиялар ва унумдорликни ўсиш билан пасайиб боради). Иккинчи компонент – ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф ҳаражатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бу категория хизматининг ўзига хос муҳим хусусияти – ўзининг хаётий циклининг дастлабки даврида ҳаракатларнинг пастлиги ва

унумдорликнинг ўсишининг юқорлигидир. Аммо дастлабки даврда унумдорликнинг ўсиши қанчалик юқори бўлса, у кейинчалик шундай тез пасаяди. Демак, вақт ўтиб бориши билан ассимптотик ҳаракатсиз хизматларни кўрсатишда ҳаражатларни ўзгартириб бориши рўй беради. Масалан, сартарошхона хизматини йўлга қўйишнинг дастлабки даврида асосий воситалар ва асбоб - ускуналарга катта сарф ҳаражатлар қилинади (яъни биринчи компонент учун), сартарош меҳнат ҳақи бўйича сарфлар (иккинчи компонент) эса минимал ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришдаги капитал қўйилмалар ўзини оқлай бошлайди, сартарош эса ўзининг меҳнат ҳаққини оширишни талаб қила бошлайди.

В.Боумольнинг ассимптотик ҳаракатсиз хизмат кўрсатиш категориясини ва Дж.Зингильманнинг таснифи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирганда, қуйидагини эътироф этиш, яъни мазкур категория хизматларига Дж.Зингельманнинг истемол ва тақсимот хизматларини киритиш мумкин. Хусусан, истемол хизматлари (ресторан, меҳмонхона, маиший хизматлар) кўп ҳолларда паст компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил қилади. Шунингдек, Дж.Зингельменнинг таснифи бўйича тақсимот хизматлари (транспорт, алоқа савдо) В.Баумоль таснифи бўйича юқори компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил этади. Улар учун ИТТнинг таъсири кучлимас, истемолчиларни жалб қилиниши пастлиги, хизмат жараёнида оммавий ишлаб чиқариш ва стандартлашнинг юқорилиги каби хусусиятлари хосдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуктаи назаридан кўрасаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида ИТТнинг таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. В.Баумоль томонидан унумдорликнинг ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган. Тадқиқот жараёнида В.Баумоль хизматлар таснифи билан Дж.Зингельман таснифининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хусусан, унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш хизматлари билан кўпроқ аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камроқ хусусиятга эга. Асимптотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпроқ хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юқори бўлган хизматлар ҳиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва тақсимот хизматлари ҳам тегишли.

3. В.Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник- муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

4. Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини ўрганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу ҳол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди.

Шундай қилиб, хорижий Тадқиқотчиларнинг тажрибаси сервис фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-сарф

ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (сервис хизматларини баъзи турларини) самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

## **II-боб. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари**

### **2.1. Самарқанд вилоятининг иқтисодий тавсифи**

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Вилоятнинг умумий ҳудуди ва ер майдони 16,8 минг км<sup>2</sup>, 2015 йил 1 январ ҳолатидаги доимий аҳоли сони 3514,8 минг киши, шундан: шаҳар жойларда 1336,8 минг киши, қишлоқ жойларда эса 2177,9 минг киши, Чегарадош вилоятлари Жиззах, Навоий, Қашқадарё, чегарадош давлат эса Тожикистон ҳисобланади.

#### 2.1.1-жадвал

Вилоят	САМАРҚАНД
Ҳудуд коди	1718
Маркази	Самарқанд шаҳри
Ташкил топган вақти	1938 йил 15 январ
Умумий майдони	16,8 минг км <sup>2</sup>

Вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар сони	2 та
Туман бўйсинувидаги шаҳарлар сони	9 та
Шаҳар типидagi посёлкалар (шаҳарчалар) сони	88 та
Маҳалла фуқаролари йиғинлари сони	1075 та
Қишлоқ фуқаролари йиғинлари сони	125 та
2015 йил 1 январ ҳолатидаги доимий аҳоли сони	3514,8 минг киши
Тошкентгача бўлган масофа	300 км
Чегарадош вилоятлар	Жиззах, Навоий, Қашқадарё
Чегарадош Давлатлар	Тожикистон

2.1.2-жадвал

Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар

2014 йил

Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	9198,1	110,5
Саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	4357,2	115,7
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	2837,3	117,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	4394,1	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	млрд. сўм	2185,6	103,4
шу жумладан чет эл инвестициялари	млрд. сўм	99,5	2,8 м

шундан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси	млрд. сўм	48,0	2,7 м
Қурилиш-пудрат ишлари	млрд. сўм	1572,6	111,2
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	4875,3	114,9
Жами хизматлар ҳажми	млрд. сўм	5324,0	121,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	млрд. сўм	2268,2	117,6
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ доллари	1063,3	109,7
Экспорт	млн. АҚШ доллари	271,1	105,3
шу жумладан ҳудудий экспорт	млн. доллар	-	-
Импорт	млн. АҚШ доллари	792,2	111,3

2.1.2-жадвал маълумотларида 2014 йилда Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳолати келтирилган бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган 2013 йилга нисбатан 15,7%га ўсиб, 4357,2 млрд. сўмни ташкил қилган. Истеъмол моллари 2013 йилга нисбатан 17,3%га ўсиб, 2837,3 млрд. сўмни, ташкил қилган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳам жадвалда келтирилган бўлиб, 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 3,4 % бўлиб, 2185,6 млрд. сўмни, ташкил қилган. Шу жумладан чет эл инвестициялари 2013 йилга нисбатан 2,8 марта ошиб, 99,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Шундан

тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 2013 йилга нисбатан 2,7 марта ўсиб, 48,0 млрд. сўмни ташкил қилган.

Пудрат ишлари 2013 йилга нисбатан 11,2%га ўсиб, 1572,6 млрд. сўмни, ташкил қилган.

Вилоятнинг Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳам келтирилган бўлиб, 2013 йилга нисбатан ўсиш суръати 10,5% бўлиб, 9198,1 млрд. сўмни, ташкил қилган. Вилоятда жами хизматлар ҳажми ҳолати эса ўтган 2013 йилга нисбатан 21,9%га ўсиб бу кўрсаткич 2014 йилда 5324,0 млрд. сўмни ташкил қилган.

### 2.1.3-жадвал

2015 йил 1 январ ҳолатига доимий аҳоли сони

(минг киши)

№	Туман, шаҳар номи	Жами	шу жумладан			
			шаҳар аҳолиси		қишлоқ аҳолиси	
			жами	аёллар	жами	аёллар
	<b>Вилоят бўйича</b>	<b>3514,8</b>	<b>1336,9</b>	<b>673,0</b>	<b>2177,9</b>	<b>1080,4</b>
	<i>шаҳарлар</i>					
1	Самарқанд	513,5	513,5	266,3	-	-
2	Каттақўрғон	83,3	83,3	42,0	-	-
	<i>туманлар</i>					
3	Булунғур	168,1	38,4	18,7	129,7	64,0
4	Жомбой	152,0	35,2	17,5	116,8	57,4
5	Иштихон	227,3	64,8	32,0	162,5	81,1
6	Каттақўрғон	246,6	48,1	23,8	198,5	98,2

7	Кўшработ	117,9	12,0	5,7	105,9	52,1
8	Нарпай	194,0	60,0	29,0	134,0	66,1
9	Нуробод	136,0	16,3	8,1	119,7	60,0
10	Оқдарё	143,6	58,1	29,0	85,5	42,6
11	Пайариқ	225,5	68,0	33,2	157,4	77,2
12	Пастдарғом	318,3	86,4	43,0	231,9	116,1
13	Пахтачи	132,1	26,2	13,0	105,9	54,2
14	Самарқанд	228,1	13,9	6,7	214,2	105,9
15	Тайлоқ	180,0	22,0	10,7	158,1	78,4
16	Ургут	448,5	190,7	94,3	257,8	127,1

2.1.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилларда Самарқанд вилоятида 2015 йил январ ҳолатига жами доимий аҳоли сони 3514,8 минг кишини ташкил этган бўлиб, шаҳар ва туманлар кесимида куйидагича: Самарқанд шаҳрида жами аҳоли сони 515,3 минг киши, Каттақўрғон шаҳрида 83,3 минг киши, Булунғур туманида 168,1 минг киши, Жомбой туманида 152,0 минг киши, Иштихон туманида 227,3 минг киши, Каттақўрғон туманида 246,6 минг киши, Кўшробод туманида 246,6 минг киши, Нарпай туманида 194,0 минг киши, Нуробод туманида 136,0 минг киши, Оқдарё туманида 143,6 минг киши, Пайариқ туманида 225,5 минг киши, Пастдарғом туманида 318,3 минг киши, Пахтачи туманида 132,1 минг киши, Тайлоқ туманида 180,0 минг киши, Ургут туманида 448,5 минг киши, Самарқанд туманида 228,1 минг кишини ташкил этади. Самарқанд вилояти жами доимий аҳолисининг 1336,9 минги шаҳар аҳолиси, 2177,9 минги эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланади.

### *3.5. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар*

2014 йил (йиллик)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Миқдори</b>
<b>Жами хизматлар</b>	<i>млрд. сўм</i>	3224,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	121,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	<i>млрд. сўм</i>	309,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	131,0
Компьютерли программалаш хизмати	<i>млрд. сум</i>	1,8
Утган йилга нисбатан усиш суръати	%	125,9
Молия хизмати	<i>млрд. сўм</i>	324,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	133,2
Транспорт хизмати	<i>млрд. сўм</i>	885,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	121,6
Қурилиш хизмати	<i>млрд. сўм</i>	235,6
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	134,0
Техник ускуналарга таъмирлаш хизмати	<i>млрд. сўм</i>	12,6
Утган йилга нисбатан усиш суръати	%	117,8
Кишлоқ хужалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмати	<i>млрд. сўм</i>	5,7
Утган йилга нисбатан усиш суръати	%	110,9
Туризм хизмати	<i>млрд. сўм</i>	45,5

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Миқдори</b>
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	124,1
Савдо ва умумовқатланиш хизмати	млрд. сўм	1599,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	120,9
Маиший хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	371,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	128,5
Таълим хизмати	млрд. сўм	182,0
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	113,2
Соғлиқни сақлаш хизмати	млрд. сўм	6,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	120,6
Қишлоқ хўжалиги хизматлари	млрд. сўм	64,1
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	113,2
Бошқа хизматлар	млрд. сўм	1223,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	114,7
Аҳоли жон бошига	минг сўм	15298,0

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳасини ривожлантириш, бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини

хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

## **2.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси.**

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий кўрсаткичлардан, унинг таркибий қисми бўлган самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг фойдаланилганига қарамасдан, унинг тушунчаси ва таърифи ҳақида етарли даражада ёритилмаган. Буларни инобатга олиб, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини ва таърифини беришни лозим деб топдим. М.К.Пардаев томонидан келтирилган қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдим. “Иқтисодий кўрсаткичлар деганда, иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодалайдиган номи ва ўлчамларига эга бўлган бирликлар тушунилади”<sup>1</sup> дейилган. Ушбу таърифни такомиллаштирган ҳолда иқтисодий кўрсатишга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чикиб, қуйидаги таърифни берамиз. Иқтисодий кўрсаткич деганда жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.

2.2.1-жадвал

**Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг асосий турлари  
хажмининг таркиби**

(млрд.сўм)

<b>Барча кўрсатилган хизматлар</b>	<b>2011</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>
		<b>10520,9</b>	<b>13614,1</b>	<b>18146,8</b>
<i>шу жумладан:</i>				
маиший хизмат	902,1	1099,5	1703,7	2007,3
транспорт	2687,3	3475,7	4736,3	5228,2
алоқа	1816,8	2252,8	2849,0	3550,0
уй-жой коммунал	1761,6	2425,4	2867,2	3192,8
халқ таълими соҳаси	798,3	1145,4	1578,8	1952,3
маданият	62,8	89,8	108,9	122,3
туристик экскурсия ва саёхатлар	50,2	65,7	90,7	135,2
жисмоний тарбия ва спорт	44,0	54,9	90,7	160,3
соғлиқни сақлаш	265,1	388,0	526,3	723,4

санатория - курорт ва соғломлаштириш	47,7	81,1	90,7	104,1
хуқуқий характердаги ва банк хизматлари	643,7	651,2	907,3	1208,2
бошқа хизматлар	1441,3	1884,6	2597,1	2978,1

## Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами

2.2.1-жадвалининг таҳлилий маълумотларига кўра, Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг жами ҳажми 2011 йили 10520,9 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 21362,2 млрд сўмни ташкил этди. Шу жумладан асосий турлари ҳажмининг таркиби бўйича қуйидагича: маиший хизмат 2014 йил 2007,3 млрд сўмни, транспорт 5228,2 млрд сўмни, алоқа 3550,0 млрд сўмни, уй-жой коммунал 3192,8 млрд сўмни, халқ таълими соҳаси 1952,3 млрд сўмни, маданият 122,3 млрд сўмни, туристик экскурсия ва саёҳатлар 135,2 млрд сўмни, жисмоний тарбия ва спорт 160,3 млрд сўмни, соғлиқни сақлаш 723,4 млрд сумни, санатория - курорт ва соғломлаштириш 104,1 млрд сумни, хуқуқий характердаги ва банк хизматлари 1208,2 млрд сумни, бошқа хизматлар эса 2978,1 млрд сўмни ташкил этган.

2.2.2-жадвалда эса юқоридаги 2.2.1-жадвал маълумотларини фоизларда қараб чиқамиз. 2011 йилда маиший хизматнинг улуши 8,6%ни ташкил этган 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 9,5 %ни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, сўнги йилларда аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаби билан мос равишда маиший хизмат кўрсатишнинг жами пуллик хизматлардаги улуши ҳам йил сайин ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

2.2.2-жадвал

**Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг асосий турлари  
ҳажмининг таркиби**

*(фоиз ҳисобида)*

<b>Барча кўрсатилган хизматлар</b>	<b>2011</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>
	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
маиший хизмат	8,6	8,1	9,4	9,5
транспорт	25,5	25,5	26,1	24,4
алоқа	17,3	16,5	15,7	16,6
уй-жой коммунал	16,7	17,8	15,8	14,9
халқ таълими соҳаси	7,6	8,4	8,7	9,1
маданият	0,6	0,7	0,6	0,6
туристик экскурсия ва саёҳатлар	0,5	0,5	0,5	0,6
жисмоний тарбия ва спорт	0,4	0,4	0,5	0,8

соғлиқни сақлаш	2,5	2,9	2,9	3,4
санатория - курорт ва соғломлаштириш	0,5	0,6	0,5	0,5
хукукий характердаги ва банк хизматлари	6,1	4,8	5,0	5,7
бошқа хизматлар	13,7	13,8	14,3	13,9

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами

2.2.3-жадвал

**2014 йилда Самарқанд вилояти бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

Самарқанд вилоятида	Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми		Аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми	
	минг сум	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	сўм	2013 йилга нисбатан % ҳисобида
Самарқанд вилоятида	<b>261 084 274,3</b>	<b>120,7</b>	<b>75218,7</b>	<b>118,0</b>
<i>туманлар:</i>				
Самарқанд ш.	113 110 205,7	121,8	221 524,1	120,2
Каттақўрғон ш.	9 994 506,0	120,8	121 145,5	118,4
Оқдарё	11 580 152,9	120,2	81 780,7	117,1
Булунғур	9 647 059,5	118,4	58 290,4	115,1
Жомбой	9 082 049,7	120,1	60 668,3	116,5
Иштихон	11 104 435,2	119,4	49 485,0	116,8
Каттақўрғон	19 836 715,1	120,5	81 431,5	117,1
Қўшробод	6 452 355,6	120,1	55 623,8	116,3

Нарпай	5 180 644,3	123,4	27 024,7	119,5
Пайарик	4 550 849,9	121,7	20 434,9	118,2
Пастдарғом	8 315 387,2	120,3	26 465,3	117,3
Пахтачи	6 196 336,0	119,5	47 445,1	116,3
Самарқанд	20 210 947,9	119,6	89 826,4	116,2
Нуробод	4 479 573,6	119,3	33 454,6	118,7
Ургут	16 538 167,7	117,1	37 433,6	115,9
Тайлоқ	4 804 888,0	124,2	27 115,6	121,9

2.2.3-жадвал маълумотлари асосида Самарқанд вилоятида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2013 йилга нисбатан 20,7%га ўсиб, 261 084,3 млн сўмни ташкил қилганлигини, аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми эса 2013 йилга нисбатан 18,0%га ўсиб 75,2 минг сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Вилоятда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми Самарқанд шаҳрида 221,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 21,7%га ўсишга эришилган аммо, Пайарик туманида 20,4 минг сўмни ташкил этган. Орадаги фарқ эса деярли 11 баробарни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли қарори айнан қишлоқ жойларда маиший хизмат турлари ва ҳажмини ошириш орқали аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган.

2.2.4-жадвал

**Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

	ўлчов бирлиги	2011	2012	2013	2014
--	------------------	------	------	------	------

Корхоналар сони:	минг	9	8,6	8,8	9,2
Шаҳарларда	минг	5,8	5,6	5,8	6,2
Қишлоқларда	минг	3,2	3	3,3	3,2
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми:	млрд сўм	902,1	1 099,5	1102,1	1125,1
Шаҳарларда	млрд сўм	548,3	622,8	635,2	639,1
Қишлоқларда	млрд сўм	353,8	476,7	478,2	475,3

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоланди.

2.2.4-жадвалдан кўриниб турибдики, Республикамиздаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг 67,4%и шаҳарларда жойлашган.

2011 йилда қишлоқларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми жами хизматлар ҳажмининг 39,2%ини ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 42,2%ни ташкил этган.

#### 2.2.5-жадвал

#### Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари бўйича ҳажми

(млрд.сум)

	2011	2012	2013	2014
<b>Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми</b>	<b>902,1</b>	<b>1 099,5</b>	<b>1 703,7</b>	<b>2048,5</b>
<i>Шу жумладан турлари бўйича:</i>				
пойафзал таъмирлаш ва якка тартибда тикиш	59,0	63,4	102,2	120,9
мўйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тўқимачилик тўқиш	72,6	85,9	110,7	135,2
радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш	112,9	144,9	218,1	245,8
транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	139,5	180,4	279,4	352,3

мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш, кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари	45,1	66,5	98,8	118,8
фотография хизмати	27,2	33,1	57,9	69,6
саргарош хизмати	67,1	78,7	129,5	155,7
тураржойни таъмирлаш ва қурилиши	107,4	121,3	180,6	237,6
ижарага бериш шахобчалари	24,3	38,4	46,0	55,3
хаммом ювиниш хизматлари	10,9	12,5	22,1	22,5
бошқа маиший хизматлар	236,2	274,6	458,3	534,7

2.2.6-жадвал

**Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг турлари бўйича ҳажми**

(фоиз ҳисобида)

	2011	2012	2013	2014
<b>Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>Шу жумладан турлари бўйича:</i>				
пойафзал таъмирлаш ва якка тартибда тикиш	6,5	5,8	6,0	5,9
мўйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тўқимачилик тўқиш	8,0	7,8	6,5	6,6
радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш	12,5	13,2	12,8	12,0
транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	15,5	16,4	16,4	17,2
мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари	5,0	6,0	5,8	5,8

фотография хизмати	3,0	3,0	3,4	3,4
сартарош хизмати	7,4	7,2	7,6	7,6
тураржойни таъмирлаш ва қурилиши	11,9	11,0	10,6	11,6
ижарага бериш шахобчалари	2,7	3,5	2,7	2,7
хаммом ювиниш хизматлари	1,2	1,1	1,3	1,1
бошқа турдаги маиший хизматлар	26,2	25,0	26,9	26,1

### Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами

2.2.5- ҳамда 2.2.6-жадвалларида турлари бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ва турлари бўйича улушлари келтирилган.

Сўнгги 4 йил давомида Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2,27 бараварга ўсиб, 2014 йилда 2048,5 млрдни ташкил этган.

Юқоридаги жадваллардан маиший хизмат кўрсатиш ҳажми турлари бўйича таҳлил қилинганда хизмат турларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 15,5%дан 17,2%га, мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, қир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари 5%дан 5,8%га, фотография хизмати 3%дан 3,4%га, сартарош хизмати 7,4%дан 7,6%га ўсганлигини, аксинча пойафзал таъмирлаш ва якка тартибда тикиш 6,5%дан 5,9%га, мўйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тўқимачилик тўқиш 8,0%дан 6,6%га, радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш 12,5%дан 12,0%га, тураржойни таъмирлаш ва қурилиши 11,9%дан 11,6%га, хаммом ювиниш хизматлари 1,2%дан 1,1%га пасайганлигини кўришимиз мумкин.

## 2.2.7-жадвал

**Қишлоқ жойларида аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг  
турлари бўйича ҳажми**

(млрд.сум)

	<b>2011</b>	<b>2012</b>	<b>2013</b>	<b>2014</b>
<b>Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми</b>	<b>353,7</b>	<b>476,7</b>	<b>672,1</b>	<b>750,0</b>
<i>Шу жумладан турлари бўйича:</i>				
пойафзал таъмирлаш ва якка тартибда тикиш	32,7	38,4	58,6	63,8
мўйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тўқимачилик тўқиш	42,0	53,7	72,4	82,5
радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш	43,6	60,6	75,8	78,8
транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	48,5	64,4	82,6	101,3
мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари	20,8	26,8	39,0	42,8
фотография хизмати	10,7	14,1	22,9	24,0
сартарош хизмати	22,2	33,3	51,1	55,5

тураржойни таъмирлаш ва курилиши	45,6	60,0	81,9	97,5
ижарага бериш шахобчалари	7,3	9,8	18,1	21,0
хаммом ювиниш хизматлари	3,2	3,8	6,4	6,8
бошқа турдаги маиший хизматлар	77,1	111,8	163,3	176,2

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами

2.2.8-жадвал

**Қишлоқ жойларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари  
бўйича хажми**

(фоиз ҳисобида)

	2011	2012	2013	2014
<b>Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хажми</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<i>Шу жумладан турлари буйича:</i>				
пойафзал таъмирлаш ва якка тартибда тикиш	9,2	8,1	8,7	8,5
муйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тукимачилик тукиш	11,9	11,3	10,8	11,0
радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш	12,3	12,7	11,3	10,5
транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	13,7	13,5	12,3	13,5
мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва буяш хизматлари	5,9	5,6	5,8	5,7

фотография хизмати	3,0	3,0	3,4	3,2
сартарош хизмати	6,3	7,0	7,6	7,4
тураржойни таъмирлаш ва курулиши	12,9	12,6	12,2	13,0
ижарага бериш шахобчалари	2,1	2,1	2,7	2,8
хаммом ювиниш хизматлари	0,9	0,8	1,0	0,9
бошка турдаги маиший хизматлар	21,8	23,5	24,3	23,5

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистика тўплами

2.2.7- ҳамда 2.2.8-жадвалларида қишлоқ жойларда турлари бўйича аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ва турлари бўйича улушлари келтирилган.

Сўнги 4 йил давомида Республикамизнинг қишлоқ жойларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2,12 бараварга ўсиб, 2014 йилда 750 млрд сумни ташкил этган.

Юқоридаги жадваллардан маиший хизмат кўрсатиш турлари ҳажми қишлоқ жойларда турлари бўйича таҳлил қилинганда хизмат турларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 13,7%дан 13,5%га, мебел тайёрлаш ва таъмирлаш, кир ювиш хоналарининг кимёвий тозалаш ва бўяш хизматлари 5,9%дан 5,7%га, фотография хизмати 3%дан 3,2%га, сартарош хизмати 6,3%дан 7,4%га ўсганлигини, аксинча пойафзал таъмирлаш ва яқка тартибда тикиш 9,2%дан 8,5%га, мўйна, трикотаж ва тери буюмлари, бош кийимлар, тўқимачилик тўқиш 11,9%дан 11,0%га, радиоэлектр аппаратлар, маиший машиналар ва приборларни таъмирлаш 12,3%дан 10,5%га, тураржойни таъмирлаш ва қурилиши 12,9%дан 13,0%га, ҳаммом ювиниш хизматлари 0,9%дан 0,9%га пасайганлигини кўришимиз мумкин.

### **2.3. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар**

Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равишда шаклланимда ва ривож топмокда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермокда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермокда. Буларга қўйидагиларни киришиш мумкин:

- мамлакатимизда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бозорини ривожлантириш билан биргаликда номоддий соҳа, айниқса хизматлар бозорини ҳам бирга ривожлантириш зарурияти бирданига туғилди, чунки иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишини шакллантиришда глобаллашув жараёнининг таъсири катта. Зеро дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг таркибида хизматларнинг улиши салмоқли бўлиб турсаю, бизда бу кам улушга эга бўлса, шу соҳа билан жаҳон иерациялашув жараёнига, хусусан хизмат бозорига кириб бора олмаймиз;

- тараққиётнинг ҳозирги босқичида шундай замонавий хизмат турлари вужудга келдики, уларни ривожлантирмасдан туриб моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривож топтириш қийинлашиб қолади. Ҳозирги шароитда ахборотларсиз ва уларни амалга оширадиган хизмат

соҳаларисиз ишлаб чиқариш ривожини тасаввур қилиш қийин. Улар эса, ўз навбатида, барча тараққиёт учун, шу жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам асосий омилларга айланиб улгурди. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Бу эса ўз навбатида мазкур хизматларни бирга ривожлантиришни тақозо қилади. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янги йуналишларини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари - банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратмоқда;

- давлат, жамият ва мамлакатимиз аҳолисига хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам ушбу соҳани ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Чунки юқорида қайд этилган катта-кичик субъектларнинг хизматларга бўлган талаби ҳам, уни харид қилиш имкониятлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда;

- хизмат турларини ривожлантириш учун, шу соҳада янги иш ўринларини очиш бошқа соҳаларга нисбатан арзонлиги ва қулайлиги, хизматларнинг кўп тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг сақланиши ҳамда ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўникмасига, хизматларга бўлган талабнинг, бозор конъюктурасининг ўзгаришига мослашиш имкониятининг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда моддий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қилади;

- хизматларнинг турлари халқаро иқтисодий муносабатларда сезиларли даражада ривожланиши ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш заруриятини туғдирмоқда. Олдинлари бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга асосан транспорт хизматларини кўрсатган ҳолда экспорт қилган бўлса, эндиликда уларнинг хизматлар экспорникация, молия ва банк хизматлар, туризм, экспорт қилинган товарларга истеъмол ва эксплуатация қилинаётган жойларда кўрсатилаётган хизматлар каби турларининг улуши ортиб бормоқда;

- хизмат турларининг ривожланиши инсоннинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Бунинг учун уни ўзига-ўзи қиладиган хизматлардан озод қилиб, меҳнатини унинг асосий бажарадиган ишига сафарбар қилишга ва унинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Масалан кўшикчи, шоира, ёзувчи, илмий ходим ёки бошқа ижодкор меҳнатини олайлик, улар эркин ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақти бўлишини, ижод қилиш учун тафаккур тақозо қиладди, бу эса, ўз навбатида вақтининг етарли бўлишини талаб қиладди. Аммо ҳар бир инсоннинг, айниқса, ижодкорнинг шунчалик хизматларга эҳтиёжи каттаки, уларга ўралашиб ижодга оз вақти қолиши мумкин. Агар унда тегишли моддий шароит етарли бўлса, у маблағининг бир қисмини хизматларга сарфлаб ўзига ижод қилиши учун тегишли шароитни яратиб олади ва ундан жамиятга кўпроқ наф келади, бу масаланинг биринчи томони. Энг муҳими инсоннинг ўзи ижодкор сифатида такомиллашиб боради;

- хизмат соҳаси такрор ишлаб чиқаришда алоҳида бўғин сифатида ажралиб турмаган бўлсада, унинг мазкур жараённинг амалга оширилишида ва жадаллашишида ҳиссаси катта. Хусусан, хизмат кўрсатиш кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида иштирок этмоқда. Ишлаб чиқаришни ҳам, тақсимотни ҳам, айрибошлаш ва истеъмолни ҳам хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу туфайли

кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида хизматларнинг роли катталигини эътироф этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтганда, маиший хизмат кўрсатиш унумли ёки унумсизми у мамлактнинг ЯИМини яратишда иштирок этади, ишсизликни бартараф қилади. Унинг ривожланиши жамиятда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бирга хизмат кўрсатишда иштирок этганларнинг ва хизмат кўрсатилган оилаларнинг ҳам моддий фаровонлигини таъминлайди. Ишсизликни бир мунча камайтириш имконини беради.

### **III-боб. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари**

#### **3.1. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари**

Сўнгги йилларда вилоятда амалга оширилаётган изчил тадбирлар ва қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Шунингдек, соҳанинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асослар ҳам яратилди. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Бунинг натижасида республикамизда соҳада бир қанча ижобий кўрсаткичларга эришилди:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратилди;

- 2014 йилда хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизга етказилди;

- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турлари кўпайтириб борилди;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожланди;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтиришга эришилди;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2014 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,9 фоизга ўсиб, 5324,0 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатларда ривожланиб, 2014 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 9,2 минг та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013-йилнинг асосий яқунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб етадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат» деб қуйидагиларни таъкидладилар:

... **“Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий** йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади”

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 17,2% ни, мураккаб турдаги техникавий жихозларни таъмирлаш 10,6% ни, яқка тартибдаги уй-жойларни кўриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 11,6 % ни, аҳоли юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 7,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Самарқанд шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2014 йилда жами маиший хизматлар ҳажмининг 750 млрд сумни қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 мартаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга худудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва яқка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75%и

қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилганлигига қарамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш тўғрисида қабул қилинган қарорларида хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди 2014 йилда 9,2 минг та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шахобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шахобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини 1-бобда кўриб чиққан эдик. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба

етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини хаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳисасини оширишга кўплаб шарт – шароитлар яратилмоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида<sup>15</sup> «хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлайди» – деб таъкидлайди.

Ушбу йиғилишда кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида, бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб қуйилди:

1. Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

2. Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

3. Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган катъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>15</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005 .79-83 Б.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 79-83 Б.

4. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб – қувватланыпти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланган<sup>16</sup>:

1. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

2. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

3. Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

---

<sup>16</sup>

Ўша жойда.

4. Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизматлар соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна бир муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб – қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга. Бу борадаги маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ишбилармонлар ва касбий ассоциацияга аъзо бўлганлар сони кўпаймоқда.

Бозор инфратузилмасини яратиш, тадбиркорларни ўқитиш, имтиёзлар бериш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятига аралашини чеклаш кабилар давлат томонидан хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чораларнинг фақат бир қисмидир.

Республикада хусусан вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

1) Республикада бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар – хом-ашё биржаси, Агросаноатбиржа, Кўчмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб–қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Консаудитинформ» агентлиги,

муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар тайёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар;

2) чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди;

3) 2002 йилда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун яққа ва оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан ташқари кредитлаш фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди;

4) хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ва «Касаначилик тўғрисида Низом»ига қўра, касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланди;

5) Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

6) давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди;

7) тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда ўрнатилган “Ишонч телефонлари” ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи “текширишларни қайд этиш дафтари” ижобий роль ўйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутуди.

Бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистонда 5,2 млн. оила мавжуд. Шулардан 3,1 миллиони қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Ҳозирги пайтда қишлоқларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шароит етарли. Зеро, унинг қонуний асоси яратилди. Президентимиз таъкидлаганидек: “2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш” лозимдир. Хизмат соҳасини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган ислоҳотлар бир мунча тезлашади.

Бундай чора-тадбирлар тадбиркорликнинг ривожига ҳам ёрдам беради, даромадларни ошириш ва оилалар турмуш даражасини тезроқ яхшиланишига олиб келади. Шу туфайли, хизматлар соҳасини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;
- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, барқарор иқтисодий ўсишга эга бўлган кўплаб давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив омиллар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- вилоятнинг олис туманларида, бориш қийин ва иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 – 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат кўрсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан-тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш вилоятда хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради. Бу борада хорижий илғор тажрибага республиканинг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳисобга олиниб ёндашилса мақсадга мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳаларининг ривожланиши улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ўз навбатида ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг йил якунларига бағишланган маърузасида мазкур соҳа иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилди. Бунга кўра, 2012-2016-йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улушини 54-56%га етказиш кўзда тутилганлиги таъкидланди.

### **3.2. Самарканд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бандлик муаммолари ва янги иш ўринларини очишнинг асосий йўналишлари**

Ҳозирги даврда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш бўйича изчил ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб борилмоқда. Чунки, иш билан бандликни таъминлаш миллий иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу билан бандлик соҳасида давлат сиёсатининг юритилиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир.

Иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари – уй меҳнати, оилавий бизнес, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис фаолияти турлари билан шуғулланиш аҳолини иш билан бандлигини таъминлашнинг

асосий йўлларида биридир. Хусусан, республикамизда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш учун давлат сиёсати даражасида тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хизматлар бозорида аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 сентябрдаги “Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларни келтиришимиз мумкин.

Республикамизда хизмат кўрсатиш кескин суръатлар билан ривожланиш тенденциясига эга бўлмоқда. Жумладан, ушбу соҳанинг 2010 йилда ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 49 фоизни ташкил этди, 2010 йилга келиб эса унинг ўсиш суръати 54 фоизга ўсди.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – молиявий хизматлар, ахборот коммуникация хизматлари ҳамда замонавий маиший хизмат турларини ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни

мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратди.

Аммо мазкур соҳани ривожлантиришда жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса иш билан бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси айниқса қишлоқ жойларда жуда суст ривожланмоқда. Лекин шунини эътироф этиш керакки, ушбу соҳа жуда катта маблағ талаб қилинмайдиган, кичик ва хусусий тадбиркорликни жуда тез ривожлантириш мумкин бўлган соҳадир.

Бундай катта имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим бир жиҳати шундан иборатки, бу қишлоқда ортиқча ишчи кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишга имконият яратади. Лекин хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий маиший хизмат турлари шаҳарда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам етарли даражада ривожланмаяпти. Бундай ҳолат қишлоқ ҳудудларида демографик жараёнлар ва “демографик босим” билан боғлиқ бўлган иш билан бандлик муаммолари оқибатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Айниқса, қишлоқ жойларида бу соҳани ривожлантириш учун ҳеч қандай таъсирчан чоралар кўрилмасдан келинмоқда.

Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун бозор талабларига жавоб берадиган янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган иш ўринларини яратиш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Маиший хизмат корхоналарини ташкил этиш, асосан

жисмоний субъектлар ёки тижорат асосидаги нодавлат ташкилотлар маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқдаки, бу ҳолат ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган корхоналарни хизматлар бозорига фаол кириб келишига ва ўз мавқеларини эгаллашларида қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шунинг учун фикримизча, хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этишдан олдин хизматларга бўлган талабни ўрганишни йўлга қўйиш (маиший хизматлар мониторинги), хизматлар сифатини ошириш чораларини қўллаш ва улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ҳамда қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга долзарб вазифалар ҳисобланади. Бу эса янги ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг хизматлар бозоридаги рақобат муҳитига тез мослаша олиш имкониятини юзага келтиради. Аммо, ҳозирги вақтда соҳада яратилаётган иш ўринлари кўп ҳолларда бозор муҳитига мос кела олмай қисқартирилмоқда, бунинг натижаси ўлароқ маиший хизмат соҳасида мутахассис кадрлар қўнимсизлигининг кучайишига олиб келмоқда.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида кадрлар қўнимсизлигининг юқори даражада эканлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: иш ҳақининг корхона якуний натижалари билан боғланмаганлиги; кадрларнинг қисқариши; ходимлар малака даражасининг пастлиги; иш жойларида меҳнат шароитларининг ёмонлашуви; иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигининг бузилиши ва бошқалар.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандликни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишда бандликка кўмаклашиш марказ-ларининг функционал вазифалари сифатидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мавжуд иш билан бандликнинг тармоқ тузилиши соҳада меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги даражасининг пастлигини акс эттиради ва у тубдан ўзгартиришга

мухтождир. Паст даражали меҳнат таъминотиға эға бўлган хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат натижалари эркинлигининг йўқлиги паст даромадлар олинишиға сабаб бўлмоқда, бу эса уларға ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имкониятини бермайди ва пировардида соҳада кадрлар кўнимсизлигининг ошишиға олиб келмоқда. Шунинг учун иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари ҳокимият органлари билан биргаликда соҳада янги иш ўринларини яратиш ва иш билан бандликни таъминлаш мақсадида фаол дастурларни ишлаб чиқиши ва амалға оширишлари зарур.

Бизнинг фикримизча, мақсадли фаол дастурларни амалға оширишнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши зарур:

– маиший хизмат соҳасида ишлашни хоҳловчи ишчи ва хизматчиларнинг касбий малакаси, хизмат кўрсатиш маданияти ва малакасини ошириш асосида хизматлар бозорида соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш;

– маиший хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мақсадида иш ўринларини квоталаш;

– соҳада янги иш ўринларини яратаётган жисмоний ва юридик субъектларни солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредит бериш асосида уларнинг фаолиятини молиявий жиҳатдан рағбатлантиш;

– иш билан бандликка кўмаклашиш Давлат жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан маиший хизматға талаб юқори бўлган жойларда вақтинчалик ёки доимий хизмат шахобчаларини шакллантириш;

– соҳада тадбиркорлик фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Маиший хизмат соҳасида янги иш ўринларини яратишда қуйидагиларға алоҳида эътибор қаратиш мақсадға мувофиқдир:

– бозорда рақобатбардош маҳсулот яратиш ва хизматлар кўрсатишни таъминлайдиган замонавий юқори унумли техник жиҳозлар ва

технологиялар билан таъминланган хизмат кўрсатишларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш;

– бозор конъюктурасига тез мослаша оладиган, хизмат кўрсатиш хажми бўйича унча катта бўлмаган корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш;

– соҳада кичик корхоналар ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Бунда янги иш ўринларини яратиш учун корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатишда мавжуд ва қўшимча иш ўринларини яратиш учун ҳам, мавжуд иш ўринларини сақлаб туриш учун ҳам маблағ ажратилиши кўзда тутилиши керак.

### **3.3 Самарканд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахциз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин

чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у йерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан ҳарактерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суёқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган сеҳлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган сеҳлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, йетказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахциз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қондасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва сеҳ маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва

тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли коицентрацияси ҳосил булишига юл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қушиш;
- 6) ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- 7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таминлаш;
- 8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал килиш;
- 10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- 11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш

ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига булинади.

## ХУЛОСА

Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ бўлиб, аҳолининг асосий қисмига хизмат кўрсатади ва турмуш даражасини ошириб, унинг ижтимоий аҳволини юксалтириш имконини беради. Маиший хизмат кўрсатиш аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, пировард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчиларнинг иштироки билан характерланадиган, бозор конъюктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига тез мослашадиган ҳамда ривожланиши аҳоли турмуш даражаси ва моддий фаровонлиги билан боғлиқ бўлган кўп қиррали функционал фаолиятдир.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат натижаларини комплекс баҳолаш билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичлари тизимига қўйидаги умумий ва хусусий кўрсаткичларни киритишимиз мумкин. Буларга:

– маиший хизматдан баҳраманд бўладиган аҳоли харид фондларининг хизматларни сотиб олишга интилиши даражаси;

- хизматлар реализациясининг илгарилаб бориш коэффициенти;
- нормадаги истеъмолни таъминлаш коэффициенти;
- аҳолининг маиший хизмат шахобчалари билан таъминланиши кўрсаткичлари;
- 10000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва шахобчалари сони;
- 10000 кишига тўғри келадиган маиший хизмат соҳасидаги иш ўринлари сони.

Маиший хизмат соҳасида меҳнат характериға кўра, меҳнат жараёнида кўл меҳнاتини камайтириш, уни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси билан белгиланади. Бизнингча, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этишда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат ҳаражатлари билан бирга унинг тузилишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида асосий эътибор жамиятнинг меҳнат салоҳиятидан ва ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилиши керак. Бизнингча, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- иш жойларининг мавжуд меҳнат ресурслари билан миқдор ва сифат жиҳатидан мувозанатини таъминлаш;
- ходимларнинг меҳнат фаолиятида иштироки асосида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажмини ўстириб боришнинг таъсирчан йўллари яратиш;
- меҳнатда банд бўлиш шароитлари ва шакллари уларнинг доимий равишда кўпайиб бориши томон ўзгартириш;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг сифат жиҳатларини ошириш;

– мутахассислар хизмати ҳамда меҳнат ресурсларининг касбий-малака даражасини ўстириш.

Маиший хизмат соҳасида банд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳада ходимлар хизматининг юқори сифатини таъминлашга қаратилган меъёрий хужжатларни яратишга марказлашган ҳолда ёндашилса, мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда маиший хизмат соҳасида меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Буни тубдан ўзгартириш учун бандликка кўмаклашиш марказлари ҳокимият органлари билан биргаликда соҳада янги иш ўринларини яратиш ва иш билан бандликни таъминлаш мақсадида тегишли дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишлари зарур.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида моддий рағбатлантиришнинг турли усуллари қўлланилмоқда. Аммо даромадларни тақсимлаш билан бир қаторда, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг барқарорлигини ва рағбатлантирувчи функцияларини таъминлайдиган ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ходимларга бериладиган турли имтиёзларни ҳам мувофиқлаштириш лозимлиги асосланди. Ушбу имтиёзларни фақатгина бажарилган меҳнатнинг ҳажмига боғлиқ равишда бўлиши лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш муаммоларини ҳал этиш учун ушбу соҳани ҳам модернизация қилиш лозимлиги асосланди. Шу билан бирга соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнатнинг мазмунини ўзгартириш, кўл меҳнатининг сезиларли камайишига эришиш ва инсон омилига янгича ёндашув масалаларини ўз ичига олган иқтисодий самарадорликни оширишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **1. Расмий материаллар**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1.1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

1.1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2010.

1.1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда). -Т.: 1998.

1.1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар, -Т.: “Шарқ”, 2000. -375 б.

#### **1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари**

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тизимида ислоҳотларни давом эттириш тўғрисида”ги 1997 йил 17 сентябрдаги Фармони.

1.2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”ги ПҚ-325-сонли Қарори.

1.2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПҚ-640-сонли Қарори.

1.2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-112 сон қарори. “Халқ сўзи”, 2009 йил, 19 май.

1.2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754 сонли қарорларининг.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари**

И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Т.: “Иқтисодиёт”, 2009, 20-30- бетлар.

## **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиш ва қарорлари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш

чора тадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли Қарори.  
WWW.LEX.UZ.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Ваирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сонли “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. [WWW.LEX.UZ](http://WWW.LEX.UZ).

#### **4. Монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар**

4.1. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти” (назария ва амалиёт), дарслик, Т.: “Меҳнат”, 2009. –Б. 512.

4.2. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”, дарслик Т: “Ўқитувчи”. 2001. –Б. 479.

4.3. Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В.А. “Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш”.- Т.: “Академия”, 2008. –Б. 21.

4.4. Алимов Р.О., Расулев А.Ф., Қодиров А.М. ва бошқалар. “Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт”. –Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2006. –Б. 438.

4.5. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. “Персонални бошқариш” (дарслик). –Т.: “Ўқитувчи”, 2008. –Б. 655.

4.6. Выготский Л.С. “Собрание сочинение”: в 6 т. –М.: 1982-1984. – С. 345.

4.7. Зокирова Н., Абдурахмонов О. “Инқироз. Оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги шароитларига чиқиш”.-Т.: “Фан ва технология”, 2009. –Б. 172.

4.8. Зябков Д.В. “Теоретические аспекты эффективной занятости населения”. // Электронный журнал "Исследовано в России" 2009 [htt: //jurnol.ape.relarn.ru/articles-2009](http://jurnol.ape.relarn.ru/articles-2009). -192 p.

- 4.10. Назаров А.Ш. “Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш”. (Дарслик) – Т: ТДИУ, 2004 - Б. 9-10.
- 4.11. Н.Р.Нарзикулов, О.Ҳ.Муҳаммедова, И.А.Боқиева. “Инсон ресурслари иқтисодиёти” (ўқув қўлланма). –Т.: 2004. –Б. 192.
- 4.12. Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” (маърузалар матни). Самарқанд, 2002. –Б. 196.
- 4.13. Раҳимова Д., Абдурахмонов О., Зокирова Н. “Образовательный маркетинг и рынок труда”. - М.: «Сов. писатель», 2005, -с. 255.
- 4.14. Свириденко Ю.П.. “Сфера услуг: Проблемы и перспективы развития”. -М.: Изд “Кандид”, 2001.- С. 345.
- 4.15. Словарь экономических терминов. Интернет-сервер <http://www.marketologi.ru>.
- 4.17. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х.М. “Меҳнат кўрсаткичлари таҳлили”. (Маърузалар матни). Т.: ТДИУ, 2000. -Б.35.
- 4.18. Чернов Ю.И. “Производительность труда и экономика безработицы”. - М.: “Экономика”, 1992, стр. 24.
- 4.19. Шевченко Д.А. “Проблемы рынка труда”. Интернет - сервер. <http://www.marketologi.ru>.
- 4.20. Экономическая теория: Учебник // Под общ. ред. акад. Видекина В.И., Добрынина А.И., Журавлевой Г.П., Тарасевича Л.П. – М.: “ИНФРА М”, 2003, стр.37.
- 4.21. Экономика и социология труда. Учебник. / Под. Ред. А.Я.Кибанова. –М.: “ИНФРА-М”, 2010. –С. 467.
- Ядгаров Я.С. “Бытовая обслуживания. Экономика и культура сервиса”. М.: “Экономика”, 1990, -С. 310.
- 4.22. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд.-Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2000, 615-бет.
- 4.23. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 3-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002, 493-бет.

Statistical Abstract of the USA.- N.Y., 2002, p. 466.

## **5. Интернет сайтлари**

- 5.1. <http://www.prezident.uz>
- 5.2. <http://www.info.uz>
- 5.3. <http://www.stat.uz>
- 5.4. <http://www.economics.com>

## **6. Статистик материаллар**

- 6.1. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2013-2014 йил сонлари.
- 6.2. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот ва таҳлилий шарҳ. 2008-2009 йиллар сони.
- 6.3. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида. Статистик тўплам. - Самарқанд, 2014. - 56 б.